

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

(ички йулларини жорий таъмирлаш бўйича)

Оқдарё туман хокимлиги «Ободонлаштириш бошкармаси» (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бир тарафдан бошлиги Ш.Исакулов ва «Оқдарё Зарафшон Курувчи»МЧЖ (кейинги уринларда «Пудратчи»деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бошлиги Н.Жалилов иккинчи тарафдан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

### 1.Шартнома предмети:

1.1.«Пудратчи» уз томонидан иш хизматларни **Оқдарё туман Янгиқурғон МФЙ Махалла кучаларини жорий таъмирлаш**, мазкур шартномада шартлашилган муддатда «Буюртмачи»нинг эгалигига бериш, «Буюртмачи» эса бу иш хизматларни кабул килиш, иш хизматларни ва тулов (аванс) хужжатларни тугри ва хакконий расмийлаштириш ва уз вактида пудратчига тулов бериш учун топшириш.

1.2. Иш хизматларнинг номи,микдори,сифати ва нархи лойиха-смета хужжатлари ва давлат экспертиза хулосасига мувофик аникланади.

№	Иш хизматларнинг номи	Улчов бирлиги	микдори	Нархи	Суммаси (сум) ҚҚС билан
1	<b>Оқдарё туман Янгиқурғон МФЙ Махалла кучаларини жорий таъмирлаш 1608 м.</b>				<b>860 000 000</b>
	<b>Жами</b>				<b>860 000 000</b>

**ЖАМИ: 860 000 000 (Саккиз юз олтмиш миллион) сўм**

### 2. Шартнома шартлари:

2.1.«Пудратчи» факатгина «Буюртмачи» билан шартнома туздандан кейин иш бажаришни амалга оширади.

2.2.Иш хизматларга эгалик хукуки «Буюртмачи»га иш,хизматларнинг бажаргандан кейин утади.

### 3.Тарафларнинг хукук ва мажбириятлари.

3.1.«Пудратчи» иш, хизматларни лойиха-смета хужжатларида белгиланган стандартларга ва амалдаги конунчиликка асосан таъминланиши,бажарилиши юзасидан жавоб бериш.

3.2 «Буюртмачи» иш хизматларни кабул килиш олинган иш,хизматларни ва тулов (аванс)хужжатларни тугри ва хакконий расмийлаштириш ва уз вактида тулаб бериш учун топшириш.

3.3.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.



3.4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **4. Нарх ва ҳисоблашишлар тартиби:**

4.1. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

4.2. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.4. Нархнинг ҳар қандай ўзгаришига факатгина тарафларнинг розилиги буйича йул қуйилади.

4.3. 4.1 бандда курсатилган шартноманинг умумий суммаси уз ичига ККС, бажарилган ишни харажатларини олади

4.5. «Буюртмачи» шартнома умумий суммасининг 30% миқдориди олдиндан аванс тариқасида «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига пул маблагларини туловни амалга оширади

#### **5. Бажарилган иш сифати.**

5.1. «Пудратчи», «Буюртмачи»га бажарилган ишнинг сифати ва давлат стандарти талабларига мувофиқ келишига қафолат беради.

#### **6. Бажарилган ишни топшириш-қабул қилиш .**

6.1. Ишларни бажариш муддати 2022 йил 01-ноябрдан 2022 йил 30 - ноябргача белгиланади.

6.2. Бажарилган ишни қабул қилишда «Буюртмачи» унинг сифати буйича Давлат стандартларига ва лойиха смета ҳужжатларида курсатилган маълумотларга мос келишини текширади.

6.3. Бажарилган ишни топшириш-қабул қилиш тугалланиши билан «Буюртмачи» бажарилган ишни қабул қилиш далолатномасини тузади. «Буюртмачи» томонидан далолатноманинг имзоланиши текшириш тулик ҳажмда утказилганлиги аниқланади.

#### **7. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

7.1. «Пудратчи» бажарилган ишни лойиха-смета ҳужжатлари ва Давлат стандартларига мос сифатли бажарилишига .

7.2. «Буюртмачи» бажарилган иш ҳақини пул утказиш йули билан амалга оширади.

7.3. Бошқа вазибаларда тарафлар жавобгарликлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

7.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш буйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг, Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ўтказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) ўтказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли ўтказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.



7.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

7.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **8. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

8.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳудудий иқтисодий суд органларида кўриб чиқилади.

8.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### **9. Форс - мажор**

9.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

9.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисидаги" ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунилари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

### **10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ**

10.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

10.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-ҳатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

10.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

### **11. Бошқа шартлар:**



- 11.1. Мазкур шартнома **2022 йил 1 -ноябрдан 2022 йил 31 - декабр**гача амалда булади.
- 11.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга булиб ҳисобланади томонларга бир нусхадан бериллади.
- 11.3. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.
  - томонлар келишувига мувофиқ:
  - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида.
- 11.4. Мазкур шартнома қиритиладиган барча узғаришлар ва қушимчалар ёзма шаклда тузилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.
- 11.5. Мазкур шартноманинг бекор қилинишига, тухталишига асос амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.
- 11.6. Мазкур шартноманинг ҳар бир тарафга бита нусхадан жами икки нусхадан тузилади.
- 11.7. **Оқдарё туман Янгиқурғон МФЙ Махалла қучаларини** жорий таъмирлаш учун шартнома икки нусхада тузилган, шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Оқдарё туман Газначилик бўлинмасида белгиланган тартибда руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

**12. Тарафлар манзили ва банк реквизитлари:**

«ПУДРАТЧИ»  
**QODARYO ZARAFSHON QURUVCHI” МЧЖ**


Манзили: Оқдарё туман Лойиш шаҳарчаси 7 уй

Ҳисоб-рақами : 20208000700774287001

Банк : Турон банк АТ Самарқанд ш филиали

ИНН: 304907608, МҒО: 00282

Рахбар: **Н.Жалилов**



«БУЮРТМАЧИ»

Оқдарё туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзили: А.Темур кучаси 38-уй

Тел/факс: 66-492-53-69

СТИР. 206519750

ш/х: 401722860182037065200110005

Газначилик бўлинмаси номи:

бўйича газначилик бўлинмаси

Ягона Газначилик


ҳисобварақлари: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар

бош бошқармаси ХККМ МҒО: 00014

Газначилик бўлинмаси ИНН: 201122919

Рахбар: **Ш.Исакулов**

	<b>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.</b>	
	<b>Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</b>	
	Imzolovchi F.I.SH.	<b>SHUXRAT ISAQULOV SOBIROVICH</b>
	Imzolangan sana	<b>01.11.2022 15:22</b>
	Hujjat kodi	<b>FH4486668230</b>
Hulosa kodi	<b>PQ2356720107</b>	



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

PQ2356720107

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Yangiqurg'on MFY Maxalla kuchalarini joriy ta'mirlash.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "OQDARYO TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 01.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oqdaryo tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**X.A.YAXSHIBOYEV**

01.11.2022





Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"OQDARYO ZARAFSHON QURUVCHI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.05.2017

520368

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

304907608

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, Loyish, A.Temur ko'chasi ,

Guvohnoma:

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

